



Ишбилармон Ҳабибулло Асқаров ўтган йили беш укаси билан «Муслимабону» номидаги ишлаб чиқариш савдо фирмаси ташкил этди.

Ишнинг боши аябатта қийин кечди, аммо Наманган шаҳар ҳокимлиги ўзининг ёрдамини аямади, Япониядан тикув машиналари ва ускуна-лари олиб келишга қўмаклашди. Фирмада ҳозир юздан ортиқ қиз-жувонлар меҳнат қилаётир.

Айни кунда фирмада жемпер, нимча, шим қўйлак, жун кийимлар, ёстиқжилд, чойшаб каби қўллаб турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаётир.

Суратда: фирма тикувчилари Ёркиной Мақсудова ва Азиза Омонова.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат (ЎЗА).

РАҲБАРЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон касба уюшмалари XV курултойи қарорларида кадрлар ўқуви, уларнинг билим ва малакаларини узлуксиз ошири бориш масалаларига алоҳида эътибор берилган эди. Шу куннинг долзарб вазифалари қаторида ушбу масала ҳам амалий ҳал этила бошлади. Дастлабки қадам сифатида тармоқ касба уюшмалари Марказий ва республика кумиталари ҳамда вилоят касба уюшмалари кенгашлари раисларининг қисқа муддатли ўқуви ташкил этилди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг бошқарув институтида махсус дастур асосида республика касба уюшмаларининг юқори раҳбар ходимлари бир ҳафта мобайнида «Бозор иқтисодиёти ва бошқарув» курси бўйича таълим олдилар. Ўқув давомидида бозор

иқтисодиётига утиш жараёнида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сий аҳоли, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни ҳусусийлаштириш муаммолари, бозор иқтисодиётига утишнинг ҳуқуқий асослари, замонавий солик тизимлари туғрисида лекциялар тингладилар, компьютерларни қўллаган ҳолда бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат жамоаларини бошқариш бўйича амалий машқ утказдилар.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг уриғбосари З. Қодиров иштирокида ўтган якуний машғулотида раҳбарлар ўқувининг тикланганлиги касба уюшма ташкилотлари фаолияти таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

МИСҚОЛИ ҲАМ НОБУД БЎЛМАЙДИ

СУРХОНДАРЁ вилоят деҳқонлари дон мустақиллигига эришиш учун мамлакат аҳолисини узимизда етиштирилган галла билан таъминлаш туғрисидаги Президентимиз йўриқларини амалга ошириш чораларини кўрмоқдалар. Жорий йилда жами 108 минг гектар, шу жумладан, 85 минг гектар сугорилган майдонларда бошқоқ дон экинларини етиштиришмоқда. Шу майдонлардан 293 минг тонна дон йиғиштириб олиш, унинг камида 170 минг тоннасини давлатга сотиш, галла ишлаб чиқаришни ўтган йилдагидан 70 фоизга қўпайтиришга қарор қилинган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, вилоят галлазорларида режани қўплайдиган даражада ҳосил етиштирилган. Бу борада вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси ва деҳқончилик ходимлари касба уюшмаси вилоят кумитасининг биргаликда ишлаб чиққан тadbirlari ана шу галла ҳосилини қисқа муддатларда бир мисқолини ҳам несобуд қилмай сифатли уриб-йиғиб олишга қаратилган. Ҳужаликларда галла урим-йиғимига ҳар беш кунда якун ясаиб, илгорлар муносиб тақдирланадилар.

Мансум якуни бўйича деҳқончилик саноати ходимлари касба уюшмаси вилоят кумитаси томонидан битта энг юқори ҳосили галлачилик бригадаси бошлиғи, уч нафар комбайнчи, бир нафар транспортчи, бир нафар уроқчиға санаторийга биттадан бепул йўлланма ҳамда фахрий ёрлиғи берилган бўлди.

С. МЕНГНОВ,
«Ишонч» мухбири.

«Халқ бирлиги» жамоатчилиқ Ҳаракати таъсис курултойи қатнашчиларининг Ўзбекистон халқига МУРОЖААТИ

Қадрли Ватандошлар!

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва сийсий жиҳатдан муътадил, илгор, дунёвий халқчил давлат барпо этиш йўлида изчил ва кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Аждолларимизнинг буюк маънавий ва маданий мероси, Ўзбекистон халқининг узиға хос жиҳатлари ҳамда дунё тараққийнинг йутуқлари бу ислохотларнинг таъмил тоши бўлиб хизмат қилаётир.

Жамиятимиз халқчиллаштирилаётган ҳозирги даврда жамоа бошқаруви ва кулпартиявийликнинг турли курунишлари жадал шаклланмоқда. Бундай шароитда ижтимоий-сийсий муътадиллик, миллатлараро ва диний жамоалараро ҳамжиҳатлик узғаришларни дадил амалга оширишга кафолат берадиган асосий омилдир.

Олий мақсад йўлида бир тану бир жон булсақкина ҳозирги утиш даври қийинчиликларини муваффақиятли бартараф қилишимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг буюк келажатини барпо қилиш йўлида қўпмиллатли халқимизнинг, барча ижтимоий-сийсий қучлар бирлигини мустаҳкамлаш зарурати «Халқ бирлиги» жамоатчилиқ Ҳаракатини тузишни тақозо этди.

Ҳаракатта сийсий эътиқодидан, миллатидан, қайси динга мансублигидан қатъий назар Ватанимизнинг бугуни ва келажатига бепарво қарамайдиган барча фуқаролар аъзо бўлиб кириши мумкин.

Ҳаракат фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан илгари сурилган, тушунтириб берилган ва асосланган асосий тамойиллар негизда курилади ва умуминсоний қадриятларини, жамиятдаги мурося, ҳамжиҳатлик, фуқаролараро муносабатларни юқори даражага кўтаришга йўналтирилади. Ҳаракат бирлик ва ҳамжиҳатлик, ватанпарварлик ва фуқароларнинг юксак маданиятига эришиш орқали ушбу келажатда мустақил давлатимизнинг тикланиши йўлида қўмак беришга сафарбар қилинган.

Ҳаракат аъзоларини қайд этиш уларнинг фаолиятини чеклаб қўйиш эмас балки Ҳаракат мақсадларини амалга оширишдаги аниқ хизматини аъзоларнинг узлари мустақил белгилайди.

Азиз Ватандошлар, сизларни «Халқ бирлиги» Ҳаракатини қўллаб-қувватлашга, Ҳаракат фаолиятида фаол аъзо сифатида қатнашиш орқали Ватанимизнинг янада жадалроқ гуллаб-йўналишга ҳисса қўнишга даъват қиламиз.

«Халқ бирлиги» жамоатчилиқ Ҳаракатининг 27 майдаги таъсис курултойида қабул қилинган.

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислам Каримов МДХга аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарларининг Минск шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувида иштирок этди. Учрашувида давлат раҳбарлари давлатлараро валюта қўмитасини тузиш, МДХ чегараларини мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни кучайтириш каби масалаларни муҳокама қилдилар.

Шунингдек МДХга аъзо мамлакатлар ҳукумат раҳбарларининг мажлиси бўлиб ўтди. Ҳукуматлар раҳбарлари турли соҳаларда узаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ 20 дан зиёд масалаларни муҳокама этдилар. Сунгра МДХга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгаши билан ҳукумат бошлиқлари кенгашининг биргаликдаги мажлиси бўлди.

МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини шу йилнинг ноябрь ойи бошларида Сочи шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислам Каримов улут халқимизнинг севимли шоираси; муҳаббат ва ҳаёт қўйчиси, меҳрибон ва талабчан устоз, жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири Зулфия хонимга 80 ёшга тулганлиги муносабати билан табрикнома йўллади. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Зулфия хоним таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислам Каримов Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманиснинг таклифига биноан шу йилнинг 6-7 июнь кунлари давлат ташрифи билан Латвия Республикасида бўлади.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Бош вазири А. Муталов АҚШнинг «Каргилл энтерпрайзиз, инк» компанияси президенти У. Макмиллан бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

• ЁШЛАР Иттифоқи Марказий Қўмитаси, Олий ва Урта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташкилотчилигида Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон ёшларининг «Талабалар баҳори-95» фестивали бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртлари, Ҳамдустлик давлатлари ва хорижий мамлакатлар ёшлар ташкилотлари вакиллари қатнашган мазкур анжуман чинакам ёшлик баҳорига айланди. Байрам «Илм, тараққийет, келажак» шиори остида ўтди.

• ЎЗБЕКИСТОН Президенти Ислам Каримов Марказий Осиё-Америка тadbirkorlikни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бошқаруви раиси С. Соларз раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республика Президенти Ислам Каримов Южно-Сахалинск районида юз берган зилзила натижасида қўшлаб одамлар ҳалок булганлиги туфайли Россия Федерацияси Президенти Б. Ельцинга самимий ҳамдардлик билдирди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Сахалин оролида руй берган табиий офат — зилзила муносабати билан Республика валюта фонди ҳисобидан 100 минг АҚШ доллари ажратиш ҳақида қарор қабул қилди.

• ЎЗБЕКИСТОН саноат-курулиш банкнинг операцияларни амалга ошириш бошқармасида Россия Федерациясининг Сахалин оролида зилзиладан жабрланганларга ердан кўрсатиш учун маблағ тўплаш мақсадида сўёт очилди.

Банкнинг манзили: 700000, Тошкент шаҳри, Абдулла Тўқай кучаси 3-уй, Жорий сўёт рақами Ўзбекистон саноат-курулиш банки оператив бошқармасида 000700227.

Код 172647310

Марказий банкнинг Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон клиринг марказида корреспондентлик сўёти: 300166710.

• ХАЛҚАРО болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов республикадаги болалар уйларининг тарбияланувчиларига совға олиш учун 1 миллион 200 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратди ва олинган совғалар уғил-қизларга топширилди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг Фармониға кўра мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, унинг авиация саноатининг ривожлантириш, замонавий авиация техникаси ва технологиясини ушбу келтириш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Тошкент авиация институти ташкил қилинди.

ДИКҚАТ! ДИКҚАТ!

ҚАДРЛИ КАСБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ!
АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Сиз доимий ҳамроҳингиз бўлиш «Ишонч» газетасига 1995 йилнинг иккинчи ярми учун обуна бўлишга улгурдингизми?

Агар улгурмаган бўлсангиз — тезроқ ҳаракат қилинг. Чунки обуна муддати жуда қисқа — 15 июнгача давом этади.

Яна бир бор эслатиб утаимиз: «Ишонч» газетаси шу йил июль ойидан бошлаб ҳафтасига икки маротаба А-2 форматли ҳажмда чиқа бошлайди. Газетамиз янада қизиқарли, ранг-баранг бўлиб, турли табақаларга мансуб муҳлисларимиз талаб ва эҳтиёжлари тулароқ ҳисобга олинадиган бўлади. Энг муҳими, касба уюшмалари серқирра фаолиятининг ҳамма йўналишлари бўйича илгор тажрибаларни оммалаштирувчи, меҳнаткашлар ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилган долзарб чиқишлар, маънавий қадриятларимизни кенг тарғиб этувчи, умумий тасаввурларингизни бойитувчи дунё ажойиботлари, сир-синаотлари, қайфиятингизни кўтарувчи юмор, ҳикоялар, ҳажвлар ва бошқа материалларни мунтазам ўқиб бериш имконига эга бўласиз.

«Ишонч» доимий ҳамроҳингиз бўлса ташкилотингиз иши янада самаралироқ бўлиши аниқ. Айни пайтда газетамизга обуна бўлиш билан сиз унинг мунтазам чиқиб туришини таъминлашга амалий ҳисса қўшасиз.

Қорхоналар ва ташкилотлар учун газетанинг 6 ойлик каталог баҳоси 202 сўм 80 тийин.

Эслатма: Вилоятларда обуна баҳоси газетани етказиб бериш харажатларига қараб турлича бўлади.

Долзарб муаммо давра столи муҳокамасида

ТИЗИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари XV қурултойи ишлаб чиққан муҳим масалалардан бири пастдан юқоригача касаба уюшма ташкилотлари тизимини такомиллаштириш ва уларнинг жамият тараққиётидаги амалий иштироклари самарадорлигини муттасил ошириб боришга қаратилган эди. Шу жиҳатдан Фарғона вилоят касаба уюшмаларида вужудга келган шаҳар ва туман мувофиқлаштириш кенгашлари фаолияти диққатга сазовор. Тармоқ касаба уюшмалари Марказий ва Республика кўмиталари ҳамда вилоят касаба уюшмалари кенгашлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган давра столи йиғинида касаба уюшмалари ишини ташкил этишнинг ана шу янги тизими ҳақида фикр юритилди. Уни республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари З. Қодиров бошқарди.

Фарғона вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси А. Мансуров, Фарғона шаҳар касаба уюшмалари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши раиси М. Хожимуродов ва бошқалар вилоят шаҳар ва туманларида иш олиб бораётган мувофиқлаштириш кенгашлари ижобий иш тажрибалари хусусида батафсил ахборот бердилар. Нотиқлар меҳнаткашлар ижтимоий муҳофазасини таъминлашда касаба уюшмалари ишининг таъсирчанлиги ва

самарадорлигини оширишда янги тизим муҳим аҳамиятда эга бўлиб, касаба уюшма ташкилотлари ҳаракати шаҳар ва туманлар миқёсида жипслашуви уларнинг маҳаллий ҳокимликлар билан тенг ҳуқуқли шериклар сифатида муаммоларни ҳал этишда гоят қўл келаётганини далиллар асосида исботлаб бердилар.

Муҳокамада касаба уюшма раҳбар ходимларининг мувофиқлаштириш кенгашлари фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалаларга доир кўплаб саволлар ўртага ташланди. Жумладан, бундай кенгашларнинг ташкил этилиши уларда доимий ишловчи янги бюрократик усткурмани вужудга келтирмаслиги кераклиги, уларга сарфланадиган харажатларни молиявий таъминлаш, тармоқ ва ҳудудий ташкилотлар манфаатларига путур етмайдиган тарзда ишни ташкил этиш ва бошқа долзарб муаммолар атрофида муҳокама қилинди, кўпгина қимматли таклиф-мулоҳазалар баён этилди.

Шаҳар ва туман касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгашлари тўғрисидаги Низомни давра столи йиғини иштирокчиларининг таклифлари асосида кўриб чиқиш ва уни такомиллаштиришга келишиб олинди.

“Биз ҳуқуқий, демократик, бозор иқтисодиётига асосланган янги мустақил давлат барпо этаёلمиз,— деди Президентимиз И. А. Каримов шу йил 16 март кuni республикамиз касаба уюшмаси фаолларидан бир гуруҳини қабул қилганида. — Шундай экан, янги шароитда меҳнаткашлар ҳуқуқларининг ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ҳам ўзгариши табиийдир”. Шунингдек, Президентимиз бошқарув тизимидаги бир-бирини такрорлашларга барҳам бериш кераклигини алоҳида таъкидлади. Ҳа, касаба уюшмалари ҳам ўз ишини бозор иқтисоди талаблари асосида ва республика касаба уюшмаларининг XV қурултойи қарорларига мувофиқ ислоҳ қилиши, эски иш услубидан воз кечиши, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда жойлардаги ҳокимликлар, ташкилотлар билан ёнма-ён туриб ишлашлари зарур. Худди шу ниятда Фарғона вилоятида ишчан ва ихчам касаба уюшмалари бўғинларини ташкил қилиш ташаббуси бошланди. Вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги мавжуд тармоқларнинг бошини бир жойга қовуштирувчи мувофиқлаштириш кенгашлари тузилди. Фарғона шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси Маъмуржон Хожимуродов билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Маъмуржон, бу кенгашларни ҳамма тушунди, кўлаб-қувватладими?

— Қувонарлиси шуки, бу янгиликни асосан бошланғич касаба уюшмалари, минглаб касаба уюшма аъзолари кўлаб-қувватлашмоқда. Ҳар бир шаҳар, туманда 12500 дан 130 минггача касаба уюшма аъзолари бор. Ҳа, вилоятимиз шаҳар, туманларида бу ташаббус анча илгари бошланган эди. 1991 йили (унда мен агросаноат мажмуи ходимлари шаҳар Кўмитасининг раиси эдим) шаҳар касаба уюшмалари мувофиқлаштириш кенгашларини тузиш юзасидан анжуман ўтказилган эди.

Лекин ўшанда бу ташаббусимизнинг моҳиятини тўла тушуниб етганилар топилмади.

Ўзингиз ўйланг, Республикамиз мустақилликка эришгач, давлат ва ҳукумат бошқарув тизимлари ўзгарди, ихчам ва қудратли ҳокимликлар тузилди. Лекин касаба уюшмаларидаги аҳвол эса секинлик билан ўзгармоқда.

Кенгашлар баъзилар ўйлагандай қўшимча звено ҳам, қўшимча маблағ ҳисобига яшовчи идора ҳам эмас. Улар ҳозирда тарқоқ ҳолдаги тармоқ кўмиталари ҳаракатини ва кучини бир жойга мужассамлаб, ижтимоий масалаларни ҳал қилишда жойлардаги давлат органлари, ҳокимликлар билан биргаликда ишлашни амалга ошираётган яхлит ташкилотлардир.

— Демак, тармоқ принциплари йўқлар эканда?

— Йўқ, улар йириклаштирилиб, мавқеи янада оширилади. Ҳозирда мавжуд туманлар, шаҳарлар тармоқ касаба кўмиталарида раис ва ҳисобчидан бўлак ходим йўқ. Улар кунига 24 соат ишлаган тақдирларида ҳам тармоқ меҳнаткашларининг муаммоларини тўла ҳал қила олмайдилар. Чунки вақтнинг аксарияти қорғозбозлик ва мажлисбозликка кетади, амалдор бору, ижрочи йўқ. Ҳар бир тармоқ ўзининг мажлисини ўтказди, ўзича қарор

гашларига тўпланса — тушим ҳозиргдай 50 — 60 фоиз эмас, балки 90-110 фоиз бўлади. Бу тушумларнинг меҳнаткашга манфаати кўпроқ тегади. Хуллас, янги тузилган ва тузиладиган кенгашлар қўшимча маблағ ҳисобига эмас, юқоридаги штатларни қисқартириш ва қўшимча туширилган бадаллар ҳисобига фаолият кўрсатади.

— Касаба уюшмалари бадалларидан ташқари умумий иш ҳақи фондларидан икки фоиз касаба уюшмаларининг “Соғломлаштириш” жамғармасига ўтказилади. Бу иш шаҳар, туман кенгашлари фаолиятида қандай амалга оширилади? Йўлланмаларчи?

— Бу жуда зарур савол. Касаба уюшмаларининг ҳозирги фаолиятида “Соғломлаштириш” маб-

маблағ ва йўлланма билан таъминлаш ҳам шундай.

Оромгоҳлар асосан хўжалик ва корхоналарники, лекин ижтимоий сугурта маблағи билан таъминлаш тармоқ орқали амалга оширилади. Натижада, қайсидир тармоқда оромгоҳ кўп бўлиб, болалар билан тўлмаётган бир пайтда, иккинчи тармоқнинг болаларига йўлланмалар етишмайди эки қўшни тармоқдан қиммат нархда сотиб олишга мажбур бўлади. Янги тузилган кенгашларнинг афзалликлари ҳам шу бўлиши керакки, “Соғломлаштириш” маблағларининг харажати ва йўлланмаларни тақсимлаш, бир жойда, яъни шулар орқали ташкил қилинса, юқоридаги тушунмовчиликлар, оврагарчиликлар ўз-ўзидан барҳам топади. Натижада, соғломлаштириш бадаллари ҳам ҳозиргдай 50 — 60 фоиз эмас, 90 — 100 фоиз тўланади.

— Мана, касаба уюшмаларининг шаҳар, туман кенгашлари кўп жойларда тузилди. Уларнинг илк қадамлари қандай, маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорлик нималардан иборат?

— Гапнинг очиги, тармоқда раис бўлиб юрганимда, маҳаллий ҳукумат билан ҳамкорлик деярли йўқ эди. Ҳозир янги тузилган кенгашлар ўз ваколатларидан фойдаланиб, ҳокимликлар билан меҳнаткашлар манфаатларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишга доир кўп масалаларни биргаликда ҳал қилаёلمиз. Ҳокимликлар билан юқоридаги масалалар бўйича шартномалар тузилмоқда. Қўшма қарорлар қабул қилинди. Натижада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш яхшиланди.

Биргина мисол келтирай: Бу йил кўп раҳбарлар ўз корхоналарининг молиявий аҳволини рўқач қилиб, қарамонларидаги болалар оромгоҳларини очолмасликларини таъкидлашди. Ундан ташқари, вилоят касаба уюшмалари кенгашида ҳам “соғломлаштириш” маблағлари етарли бўлмаганлиги сабабли, мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларни очиб масаласи қийин бўлиб қолди. Шунда биз шаҳар ҳокими Алишер Отабоевга мурожаат қилдик. Унинг талабчанлиги ва шаҳар касаба уюшма кенгаши билан қабул қилинган қўшма қарорига асосан, 15 дан ортиқ болалар оромгоҳлари ишга туширилди. Кундузги мактаб қошидаги оромгоҳларга эса, корхоналар маблағ ажратди. Туманларда ҳам шундай ҳамкорлик бошлаб юборилди. Шуниси қувончлики, бизнинг кенгашларнинг илк қадамларини кўриш учун қўшни вилоятлардан вакиллар келишяпти.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош Санъат МАҲМУДОВА.
“Ишонч” мухбири.

Нуктаи назар

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШЛАР ҲАҚИДА

чиқаради, қисқача айтганда ўз қобирига ўралиб қолган. “Бошланғич”лар билан ишлайдиган одамнинг ўзи йўқ. Айниқса, бозор муносабатлари даврида оддий касаба уюшмаси аъзоси эки бошланғич ташкилот раиси 100 — 150 чақирим йўл босиб, марказга ҳимоя ахтариб келолмайди.

Ҳозирда тузилган ва тузилаётган туман ва шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари эса юқоридаги масалалар билан комплекс шуғулланади.

— Кенгашлар тузилганда мавжуд касаба уюшма штатлари кўпайиб кетмайдими, маблағ масалаларида ошқоча сарф-харажатлар бўлмайдими?

— Йўқ, асло. Тажрибамизга кўра кенгашлар жойларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг штати ҳисобига тўлдирилади, яъни ҳар бир тармоқдаги ҳисобчилар ўрнида ягона молия бўлими эки битта бош ҳисобчи фаолият кўрсатади, тармоқлар бирлаштирилиб, йириклаштирилади.

Ҳозир маблағ масаласи мураккаб аҳволда. Бошланғич ташкилотлардан тушган аъзолик бадаллари вилоят кўмиталарига келади. Кейин, туман, шаҳар кўмиталарининг фаолиятини ташкиллаш, иш ҳақи тўлови учун пул яна орқага қайтади. Бундай борди-келди оқибатида бадалларнинг оз-кўп тушишига эътибор берилмайди, сабаби тушаётган бадалдан улар учун манфаатдорлик йўқ. Шу билан бирга тармоқ вилоят кўмиталарининг бу масала билан мунтазам шуғулланишига имконият йўқ. Натижада бадалларнинг 50 — 60 фоизигина вилоят кўмитасига тўлаяпти. Агар меҳнаткашлардан тушган бадаллар бир жойга туман, шаҳар кен-

лағи икки хил йўналишда амалга ошириляпти. Биринчиси, жамоа хўжаликларининг соғломлаштириш маблағи, иккинчиси, давлат соғломлаштириш маблағи.

Жамоа хўжаликларининг соғломлаштириш маблағи, асосан агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари вилоят кўмитасининг махсус ҳисобига тушиб, бу маблағлар санаторий, дам олиш уйларида йўлланмалар сотиб олиш ва тармоқдаги мавжуд санаторий-профилакторий, болалар оромгоҳлари фаолияти учун сарф қилинади. Маълум бир фоиз агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кўмитасига ўтказилади.

Давлат соғломлаштириш маблағлари эса тўғридан-тўғри маҳаллий банклар орқали Республика касаба уюшмалари Федерациясига бориб, сўнг Федерация орқали йўлланма ва болаларни соғломлаштириш учун вилоят касаба уюшмалари кенгашига келади. Фикримизча агар маблағлар янги тузилган кенгашлар орқали амалга оширилиб, вилоят кенгашида йиғилса ва вилоят меҳнаткашлари учун сарф-харажат қилинса, борди-келди камайиб ишимизнинг самарадорлиги ошарди. Йўлланмалар масаласи ҳам шаҳар, туман кенгашлари орқали амалга оширилса, иш юритиш осонлашади. Бу ерда яна муаммо шуки, битта тумандаги 12 та тармоқ учун ажратилган йўлланмалар баъзи тармоқларда фойдаланилмай қолиб кетаяпти, баъзи тармоқларда етишмайди. Бир тармоқдан иккинчисига йўлланма олиб бериш учун эса неча тўсиқ ва қорғозбозликка дуч келинади. Болалар оромгоҳларини

ОРОМГОҲЛАР ТАХТ БЎЛАДИ

Яқинда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши Бўстонликдаги “Се-мур” оромгоҳида болаларни ёзи дам олишини ташкил этиш юзасидан семинар ўтказди. Семинарда шаҳар ҳокимлиги бошқармаларининг вакиллари, тармоқ касаба уюшмаларининг раислари, тасарруфдаги 41 та оромгоҳ директорлари, болаларни дам олишга алоқадор бўлган Бўстонлик тумани ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

— Болаларни соғломлаштиришга оид кўпгина тadbирлар шаҳар ҳокими билан имзоланган шартнома бандларида ўз аксини топган, — деди шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг раиси О. Сафоев йиғилишда сўзлаган нутқида.

— Битимга асосан ҳоким ўз қарори билан болалар оромгоҳларини ёпиб қўйиш, бошқа мақсадларда ишлатиш эки сотиб юборишни таъқиқлаган, касаба уюшмалари кенгаши эса оромгоҳлар фаолияти учун маблағ ажратади. Йўлланмалар баҳосини имкон даражада арзонлаштиришни зиммасига олган.

Ёзи дам олиш мавсумида 66300 нафар болани оромгоҳларда соғломлаштириш режалаштирилган. Шаҳар ташқарисидаги 9 та оромгоҳда оролбўйи ҳудудида яшаётган 2 минг нафар мактаб ўқувчилари соғликларини тиклашади.

Бу мавсумда болаларни соғломлаштиришга ижтимоий сугурта бюджетидан 29,5 миллион сўм, касаба уюшма ҳисобидан 12 миллион сўм, корхона ва ота-оналар харажати қўшиб ҳисобланганда жами 58,9 миллион сўм маблағ сарфланади.

Оромгоҳларда 1233 нафар тарбиячи, 247 нафар тиббиёт, 1024 нафар маъмурий-хўжалик ходимлари меҳнат қилишади.

Семинар жараёнида оромгоҳларда туғилган кўпгина муаммоларни ҳал қилишга аниқлик киритилди. Оромгоҳларнинг раҳбарларига услубий қўлланмалар тарқатилди.

“Ишонч” мухбири.

МАЛАКА ОШИРДИЛАР

Ўзбекистон машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмалари Марказий Кўмитасининг қисқа муддатли курсларида вилоят ва шаҳарлар касаба уюшмалари кўмиталари раислари, соҳанинг таянч корхоналари касабакўм раислари ўқиб, малака оширдилар. Ўқув дастурига биноан тингловчилар меҳнат ҳуқуқи, пенсия таъминоти, меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги касаба уюшмалари вазифаларининг амалга оширилиши мавзуларида маърузалар тинглашди.

Республика машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмалари Марказий Кўмитаси раиси Ш. Одилов Республикамиз Президентининг касаба уюшмалари фаоллари билан бўлган учрашувида билдирилган тавсиялар ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари XV қурултойи якунлари ҳақида гапирди.

Ўқув машғулотларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг масъул ходимлари Х. Примкулов, Н. Ефимова, М. Прокаева, Р. Шегай, Меҳнат вазирлигидан В. Ничкасов, А. Раҳимоваларнинг қизиқарли маърузалари тингланди.

Курс тингловчилари “Ташсельмаш” заводи касаба уюшмасининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ишлари билан танишдилар. “Ўзэлектраппарат” ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлишди. “Алгоритм” ишлаб чиқариш бирлашмасининг “Элбурс” соғломлаштириш лагерига сафарда эса соғломлаштириш мавсумига тайёргарликнинг бориши билан танишдилар.

Э. АНТИПОВ.

Саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳуқуқ инспектори Н. ЕФИМОВА жавоб беради:

Механизациялашган кўча колоннанинг тракторчиларига (бульдозерчиларига) имтиёзли тарзда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладими?

Ж. НОРМУРОВОД.
Қашқадарё вилояти.

Йўқ, Мазкур соҳа ишчиларига ёш пенсияси умумий асосда белгиланади.

Уруш қатнашчилари шаҳарлараро автомобиль транспортида бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкинми?

Қ. ЮСУПОВ.
Самарқанд вилояти.

Уруш қатнашчиларига шаҳар йўловчи транспортнинг барча турларида (таксидан ташқари) бепул юриш имтиёзи берилган. Бундан ташқари улар шаҳарлараро автомобиль транспортида, темир йўлда, ҳаво ва денгиз транспортида йилнинг исталган пайтида бир марта йўл ҳақининг 50 фоизи чегирмаси билан бориб келиш ҳуқуқига эгалар.

Чернобиль атом электрстанцияси фалокатини бар-та-раф этиш қатнашчиси бўлган ногиронларга қандай имтиёзлар берилган?

Чернобиль атом электрстанцияси фалокатини бар-та-раф этишда қатнашиб ногирон бўлган кишилар:

— шифокор рецепти бўйича бепул дори-дармон олишлари мумкин;

— ишлайётган кишилар иш жойидан ишламайдиганлар эса ижтимоий таъминот бўлимларидан ҳар йили санаторий-профилакторий ва дам олиш уйларида имтиёзли тарзда бепул йўлланма билан таъминланадилар;

— турар-жойдаги поликлиникаларда тиш протезлари (қимматбаҳо металлдан ташқари) бепул тайёрлатиш ва таъмирлатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар;

— тиббиёт хулосасига биноан протезлар ва бошқа протез-ортопедик буюмлар, аравачали велоскредлолар ёки кичик габаритли аравачалар билан бепул таъминланадилар;

— шаҳар йўловчи транспортнинг барча турларида (таксидан ташқари) ҳамда қишлоқ жойларида туманинг

маъмурий чегарасида жамоат транспортнинг барча турларида (таксидан ташқари) бепул юришлари мумкин;

— шаҳар атрофидаги йўловчи транспортнинг барча турларида (таксидан ташқари) турар-жойдан даволаниш манзилгача, диспансер, амбулатория ёки клиник текширув жойигача бўлган масофада бепул юришлари мумкин;

— йилда бир марта исталган пайтда темир йўлда, ҳаво йўли ва денгиз йўли орқали ёки шаҳарлараро автомобиль транспортида бепул бориб келишлари мумкин;

— темир йўл билети ҳақини (шаҳарлараро автомобиль ва ҳаво транспортнинг билет ҳақини ҳар йили куз-қиш мавсумида (1 октябрдан 15 майгача) сонидан қатъий назар 50 фоиз чегирма билан сотиб олишлари мумкин;

— иситиш, водопровод, газ ва электр қуввати ҳақини 50 фоиз чегирма билан тўлайдилар. Электр қувватидан (ойига 110 квт. соат имтиёзли фойдаланиш нормаси белгиланган) Марказий иситиш тармоғига уланмаган уйларда яшовчи кишиларга аҳолига сотиш учун белгиланган ёқилги баҳосидан 50 фоиз чегирма билан тўлайдилар.

— якка тартибда уй-жой қуриш учун биринчи навбатда ер участкаси билан таъминланадилар;

— улар яшаб турган давлат ва идора уйлари шахсий мулк қилиб берилади;

— уй олаётганларда алоҳида хона сифатида қўшимча квадрат метр майдонга эгалик қилишлари мумкин ва ҳоказо.

Иккинчи гуруҳ меҳнат ногиронлари қишлоқ жойларида туман маъмурий ҳудудидида йўловчи транспортда бепул юришлари мумкинми?

К. ЯНГИБОВ.
Сурхондарё вилояти.

Йўқ, мумкин эмас. Бу гуруҳ ногиронларига темир йўл транспортида (неча марта бўлишидан қатъий назар) шаҳарлараро автомобиль ва ҳаво транспортида ҳар йили куз-қиш мавсумида (1 октябрдан 1 майгача) 50 фоиз чегирма билан билет олиш имтиёзи берилган.

Ўқитувчилар ва бошқа халқ маорифи ходимларига умумий ўрта таълим мактабидидаги директорлик даври

пенсия тайинланаётган пайтда стаж сифатида ҳисобланадими?

А. ҲАЙТОВ.
Сурхондарё вилояти.

Пенсия таъминотида оид қонуннинг 3-рўйхатидаги "Халқ таълими ходимлари" бўлими VII қисмида таъкидланишича, ишлаб чиқариш, муассасалар, ишлар, касблар, мансаблар эгалари умумий тарзда белгиланган пенсия ёшидан 5 йил илгари нафақага чиқишади. Бу рўйхатга мактаб директорлари киритилмаган. Шу сабабли бу даврдаги иш педагогик иш стажига қўшиб ҳисобланмайди.

Аммо, мактаб директори ўзининг маъмурий лавозими билан бир қаторда мактабда тўлиқ ставкада дарс бериб борса, унинг ўқитувчилик қилган даври махсус стажга киритилиб, имтиёзли тарзда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлади.

Болалар шифохонасининг юқумли касалликлар бўлимида ишловчи санитаркаларга имтиёзли тарзда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладими?

Х. ҚОДИРОВ.
Сирдарё вилояти.

Ҳа. Юқумли касалликлар муассасалари, бўлимлари, кабинетларида беморларга қаровчи кичик тиббиёт ходимлари умумий асосда белгиланган пенсия ёшидан 5 йил илгари нафақага чиқишлари мумкин.

Бу — мазкур соғлиқни сақлаш муассасаларида ишлаган хотин-қизлар 50 ёшга тўлгач 20 йилдан оз бўлмаган стаж билан ва камида 10 йил шу соҳада ишлаган бўлсалар имтиёзли тарзда пенсияга чиқадиладар, демасди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлган фахрий уруш даврида фронт ортида меҳнат қилгани учун пенсиясига қўшимча ҳақ олиши мумкинми?

Т. ТУРДИАЛИЕВ.
Чирчиқ шаҳри.

Ҳа. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат таъминоти тўғрисида"ги қонуни 28-моддасига биноан, республика тараққиётига қўшган алоҳида хизматлари ва уруш йилларида фронт ичкарасида хизмат қилган шахсларга олаётган пенсиясига қўшимча ҳақ тўлаш кўзда тутилади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатимиз халқ ҳўжалигида, шу жумладан, транспорт соҳасида айрим муаммоларнинг мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Булар: моддий-техник таъминотнинг ёмон аҳволи, транспортдаги баҳо белгилаш тизимининг номукамаллиги, транспорт корхоналари ишини бошқариш (менежмент) тизимининг янги давр талабига мос келмаслиги ва молиявий аҳволининг танглиги, шунингдек, уларни давлат тасарруфидан чиқариш сўратларининг суст олиб борилаётганлиги ва ҳоказолардан иборат.

Соҳа ниҳоятда долзарб бўлганлиги учун Республика Вази́рлар Маҳкамасида қишлоқ ҳўжалигида сўнгги йилларда вужудга келган янги деҳқон ҳўжаликлари техник воситалар билан самарали таъминлаш масаласи кўриб чиқилиб, 30 — 50-йилларда мавжуд бўлган машина-трактор станцияларини (МТС) қайта тиклаш ғояси илгари сурилган эди. Ҳўш, бу муаммони ҳал қилишга илмий нуқтаи назардан қандай ёндашиш мумкин?

Бу долзарб масала бўйича вужудга келган вазият қуйидагича: республикада фермер ҳўжаликларининг умумий сони 15 мингга яқин бўлиб, бешдан бири ўзининг айрим техник воситаларига эга. Саксон фоиз ҳўжаликларда эса, от-улов каби унумдорлиги паст воситалардан ёки техник воситаларни жамоа ҳўжаликлари ва агрофирмалар юмушларидан бўшашини кутиб туриб фойдаланиб келинапти. Ваҳоланки, техник воситага эга бўлган ҳўжаликларда ҳам маҳсулот етиштириш ва уни ташиш жараёнида қўллаш зарур бўлган воситаларнинг асосий қисми четдан жалб этилмоқда. Жумладан, деярли барча вилоятлар агроасноат бирлашмалари қарамоғидида фермер ҳўжаликлари иш жараёнларида асосан ёллаб ишлатиладиган воситалар ёрдамида иш юритишади. Давлат ҳўжаликлари ва агрофирмалар таркибидидаги техник воситалардан фойдаланиш даражаси жуда паст бўлиб, бунга сабаб ҳўжаликлар ҳисобидаги воситаларнинг эскилиги ҳамда эҳтиёт қисмлар билан таъминланмаганлиги, ҳўжалиқдаги мавсумий ишларда фойдаланиш учун ишлатиладиган воситаларнинг кўп вақт бекор туриб қолишидир.

Давлатимизнинг янада равнақ топиши учун фермер ҳўжаликлари фаолиятидаги техника мукамал ишлаб туриши керак. Шунинг учун илгари мавжуд бўлган МТСларга ўхшаган, аммо ҳозирги даврнинг иқтисодий талабларига жавоб берадиган транспорт ва бошқа турдаги қишлоқ ҳўжалик техникаларини ўз ичига қамраб олувчи корхоналарни вужудга келтириш долзарб вазифалардандир. Албатта, уларни вужудга келтиришда ташкилий-молиявий тадбирларни амалга ошириш керак деб ўйлаймиз.

Биринчидан, бу хилдаги ташкилотларни техник воситалар билан таъминлаш манбала-

рини белгилаш қўйидагича: ҳозирда агрофирма ва жамоа ҳўжаликларида мавжуд бўлган воситалар ҳисобига, давлат томонидан қишлоқ ҳўжалигига ёрдам сифатида ажратилаётган маблағлар ҳисобига; умуман қишлоқ ҳўжалигига алоқаси бўлмаган ташкилотларнинг техник воситалари эвазига; якка-тартибдаги фуқароларнинг техник воситалари ҳисобига; фермер ҳўжаликларидаги воситалар эвазига бўлиши керак.

Иккинчидан, бу хилдаги ташкилотлар амал қилиши мумкин бўлган мулкчилик шаклини танлаб олиши: давлат тасарруфидидаги МТС; ҳиссдорлик жамияти шаклидаги МТС (давлат ҳиссдорлик жамияти, очик ҳиссдорлик жамияти, ёпиқ ҳиссдорлик жамияти); хусусий МТС; жамоа мулкига асосланган МТСлар

МТСлар зарурми? ЗАРУР!

(Қишлоқ ҳўжалигида ҳозирги ўтиш даврида техник воситалардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ҳусусида)

зарур.

Иккинчи тадбирнинг қандай ҳал қилинишига боғлиқ бўлган учинчи тадбир — МТС менежменти.

Маълум бўлишича, МТСларни ташкил этиш билан боғлиқ тадбирларни фақат ҳамкорликда амалга ошириш мумкин ва бунда МТС амал қилиши мумкин бўлган ҳал қилувчи ўринни мулкчилик шакли белгилайди. Яъни мулкчилик асосида техник воситалар билан корхона таъминлаш манбаи ва бошқариш тартиби аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти бошидан кечираётган ўтиш даврида моддий имкониятларнинг чекланганлиги туфайли янги тузилмаларни вужудга келтиришда, яъни инвестициялар талаб қиладиган корхоналарни вужудга келтиришда тўсиқларга дуч келинмоқда. Барча соҳаларни ривожлантириш учун зарур бўлган маблағларни излаб топиш, уларни ишлатишда юқори самарадорликка эришиш талаби қўйилаётган ҳозирги пайтда капитал маблағларни топишнинг ички имкониятларини ва чет эл инвестицияларидан фойдалана олиш усулларини қидириш ниҳоятда зарурдир. Шу мақсадда қишлоқ ҳўжалигида чуқур ислохот-

ларни амалга оширишда асосий куч ҳисобланган фермер-деҳқон ҳўжаликлари қўллаб-қувватлаш, бунда эса энг аввало ишлаб чиқариш механизациялаш, омидини ҳисобга олиб сиёсат юритиш — шу куннинг талабидир. Ҳозирги шароитда қишлоқ ҳўжалигида ишлатиладиган техник воситаларнинг эскириш даражаси ўсиб бораётганлигини айтдик. Кўпинча бу хилдаги воситаларни ишлатаётган шахслар (ҳайдовчилар, тракторчилар) ўзларининг моддий манфаатлари йўлида уларни сошлашади ва жамоа ҳўжаликларининг эҳтиёжи учун ҳам ишлатишади. Мана шу жонқуярларнинг саъйи-ҳаракати шарофати билан ҳам фермер-деҳқон ҳўжалик жамоалари

наётган умумий маблағларнинг асосий қисmini унинг кенгайтириш учун сарфланмас экан, шу соҳада тараққиёт бўлиши ҳам мумкин эмас. Демак, қишлоқ ҳўжалигига берилаётган давлат ёрдамининг бир қисmini янги ташкил этилаётган МТСларнинг моддий-техник асосини мустаҳкамлаш учун сарфласа бўладими? Бўлади! Чунки бозор муносабатлари шароитида аҳоли ва ташкилотлар иҳтиёридаги даромадларни ишлаб чиқаришга инвестиция қилиш имконияти туғилади ва бу иқтисодиётнинг ривожланишига ҳамда аҳоли даромадининг ошишига олиб келади. Яъни бу хилдаги имкониятлардан фойдаланиш зарур, деган хулосага келамиз.

Юқориди келтирилган мулоҳазаларга кўра, қишлоқ ҳўжалиги ишларида техник воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қўйидаги чора-тадбирлар қўрилиши мақсадга мувофиқдир:

А. Мулкчилик асосидан қатъий назар, ҳар бир жамоа таркибидидаги эски, яросиз аҳволга келиб қолган ёки таъмир талаб техник воситаларни ишлатиш истагида бўлган шахсларга (бевосита ҳайдовчи ва механизаторларга) шахсий мулк сифатида бепул берилиши лозим.

Б. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ишлатиладиган янги техник воситаларни сотиб олиш учун шахсларга имтиёзли қарзлар бериш тартибини ишлаб чиқиш керак.

В. Туманларда очик ҳиссдорлик жамияти шаклида МТСларни тузиб, уларнинг таркибини қўйидаги тартибда техник воситалар билан:

— ҳўжаликларда мавжуд бўлган, йил давомида ишлаб чиқаришда жуда кам муддат ишлатиладиган воситалар ҳисобига;

— қишлоқ ҳўжалигига берилаётган давлат ёрдамининг бир қисмига янги техник воситаларни сотиб олиш ҳисобига;

— якка шахслар ва ташкилотларнинг жамғармаларини жалб этиш ҳисобига тўлдириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, очик шаклдаги ҳиссдорлик жамияти мулкнинг асосий қисми давлат иҳтиёрида (кўпи билан 51% акциялар), қолган қисм акциялар жамоа мулки ва шахсий мулк эгалари қарамоғида бўлади. Бу истиқболли тадбирлар амалга оширилса — якка тартибда ёки жамоа бўлиб фаолият юритаётган фермер ҳўжаликлар ҳам бошқа турдаги ҳўжаликлар ҳам шартномалар тузиб ҳиссдорлик шаклидаги МТСларнинг хизматидан ёки техник воситаларга эга бўлган шахсларнинг хизматидадан фойдаланиш имкониятига тўлиқ эга бўладиладар.

Ғ. САМАТОВ,
профессор, Ташкент автомобиль ва йўллар институтининг ректори муовини.
А. МАМАДИЕВ, М. РАВШАНОВ,
ТАҲИ аспирантлари.

ЖАМОА шартномалари ва битимлар тузиш ижтимоий шерикчилик тамойилларини амалга ошириш мақсади билан. Улар касба уюмлари бўғинлари ўзаро ҳамкорлигининг ҳамма босқичларини ўз ичига олади, энг муҳими ўзаро келишим йўли билан кўпгина энг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Бугунга келиб республика меҳнат жамоаларида ҳар йили 30 мингга яқин жамоа шартномалари тузилмоқда. Вилоят касба уюмлари кенгаши, тармоқ Марказий Кўмиталари ўзларининг вилоят республика давлат ва ҳўжалик органлари билан тариф битимлари тузиш, шу асосда фаолият кўрсатмоқдалар.

Кўйида Тошкент шаҳар касба уюмлари кенгаши ва пойтахт ҳокимлиги ўртасида тузилган ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг тўла матни билан танишасиз.

1995 йилда меҳнатчиларини ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари бўйича Тошкент шаҳар Ҳокимлиги билан Тошкент шаҳар касба уюмлари кенгаши ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги БИТИМ

Бозор иқтисодидаги утиш босқичида шаҳар аҳолисининг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши учун тулик шарт-шароитларни яратиш, уларнинг ижтимоий ҳамда моддий турмуш фаровонлигини ошириш, меҳнат аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мазкур битимнинг мақсадини ифодалайди.

Томонлар ошкоралик ҳамда ишонч тамойилларига амал қилиб, ўз ҳамкорликларини навбатда қўйидаги йўналишлар бўйича олиб боришга келишиб олдилар.

1. Тошкент шаҳар Ҳокимлиги:

— ижронинг тартибли бўлишини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Республика ҳукуматининг қарорларини бажариш учун бошқарув органлари, уларнинг раҳбарлари масъулиятини ошириш юзасидан мунтазам равишда иш олиб боради;

— мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда аввало бозор шаҳар ҳужалигидаги барча тармоқлар меҳнат жамоаларининг манфаатларини таъминлаш масъулиятини ўз зиммасига олади;

— шаҳар дўконларининг пештахталаридан кундалик зарур, арзон ҳамда болалар асортиментидagi молларнинг кескин камайиб кетишига йўл қўймайди;

— давлат мулки хусусийлаштирилганидан кейин ундан олинadиган даромадларнинг бир қисmini ижтимоий масалаларни ҳал этиш ишлари-га йўналтиради;

— меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришнинг зудлик билан ҳал этиш мақсадида ижтимоий сугурта маблағларини шаҳар ихтиёрида қолдириш, унинг маълум миқдорини эса тегишли равишда Ўзбекистон касба уюмлари Федерацияси кенгаши ҳисобига белгиланган тартибда утказиш масалаларида ердам кўрсатади;

— болалар соғломлаштириш оромгоҳларини, санаторий-профилакторийларни тарбиячилар, тиббиёт ходимлари, ошпазлар ва хизмат кўрсатувчи бошқа ходимлар билан тўлов ҳақи олмасдан тайёрлаб ҳамда таъминлаб беради, бу муассасаларни доридармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, нон ҳамда гушт-сүт маҳсулотлари билан ҳам таъминлаб беради;

— юмшоқ ва қаттиқ инвентарь ва жиҳозлар, идишлар, чойшаблар, радиоаппаратура, маданий ва спорт инвентарлари ишлаб чиқарадиган шаҳар корхоналари болалар соғломлаштириш оромгоҳлари учун зарур товарлар ишлаб чиқаришлари ва уларни оромгоҳларга марказлаштирилган тарзда ажратилиши тартибини ҳал этиб беради;

— янги йил арча байрами тадбирларини озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат бўлган 1,5 миллион донга байрам совғалари билан таъминлайди;

— Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ фуқароларга бепул ёки имтиёзли хизмат кўрсатувчи спорт иншоотларининг тегишли харажатларини қоплаш билан бўлган масалалар имкониятини қўриб чиқади.

II. Тошкент шаҳар касба уюмлари кенгаши:

— бозор иқтисодиёти шароитида кишиларнинг ишга мослашувида, меҳнат интизомини мустаҳкамлашда, корхоналарнинг ҳужалик фаолиятини яхши йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда барча даражадаги касба уюмларининг бевосита иштирокини ташкил этади;

— ҳозирги кунда шаҳар касба уюмлари кенгашининг касба уюшма тизимига кирмайдиган — унга аъзо ташкилот бўлиш ҳуқуқига эга бўлган тармоқ касба уюмларининг Тошкент шаҳрида ҳудудий бюджет бўлинмаларини тузишда ердам кўрсатади;

— жамоа шартномалари ва битимлар, ҳаракатининг бошқа шакллари орқали иш ҳақи ҳамда иш шароити, ишчи уринларини сақлаш, касба уюшмаларининг кам таъминланган аъзоларини моддий жиҳатдан таъминлашнинг ташкил этиш, меҳнат жамоалари учун муҳим бўлган бошқа масалаларни ҳал этишда меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилади;

— 1995 йилда (маблағнинг миқдори баҳонинг кўрсаткичи ва устига қараб ўзгариши мумкин);

а) маданий-тарбиявий, жисмоний-тарбия соғломлаштириш тадбирлари, болалар ва усмирлар спорт мактабларининг фаолият кўрсатиши учун 5 миллион 200 минг сўм;

б) меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандлари, талабалар, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, имтиёزلарга эга бўлган бошқа шахсларни санаторий-курортларда даволанишини ташкил этиш учун 63 миллион сўм;

в) парҳез таомлар учун 9 миллион сўм;

— шифо масканлари, санаторий-профилакторийлар, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ва меҳнаткашларнинг дам олиш жойларида ота-оналарнинг фарзандлари билан бўлган кўпқабатли оилавий дам олишлари учун 54 миллион сўм маблағ ажратади;

— касба уюшма ва ижтимоий сугурта бюджетларининг бажарилишини мунтазам равишда назорат қилади, санаторий-профилакторийлар тулик қувват билан ишлаши учун зарур чораларни белгилайди, уларнинг ёпилишига ёки бошқа йўналишга утказилишига йўл қўймайди. Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторий ва курортларда соғломлаштириш учун касба уюшма кўмиталари уларни йўлланмалар билан таъминлаш ишларини янада жонлантиради;

— касба уюшмаларининг маданият ва спорт, мактабдан ташқари муассасаларини ривожлантириш учун касба уюшмалар бюджетидан маблағ ажратишни пасайишига йўл қўймайди, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларига маданий ҳамда соғломлаштириш ишларини ташкил этишда зарур ердам кўрсатади.

III. Томонлар:

— қонунлар, фармонлар, ҳукумат ҳамда Ҳокимлик қарорларини ўз вақтида бажарилишини;

— иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия, компенсациянинг ўз вақтида туланишини;

— меҳнат билан бандлик соҳасида ижтимоий кафолатнинг таъминланишини

доимий равишда назорат қилиб боради;

— меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳоли, мулкчиликнинг барча шаклидаги ҳужаликлар, ташкилотлар, корхоналар ҳужалик раҳбарларининг ишлаб чиқаришда соғлом ҳамда меҳнатнинг ҳавфсиз шароитларини яратиш бўйича фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Корхоналар, уларнинг таркибий тузилмаларидаги бўлинмаларда меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бер- ҳаётига хавф соладиган дастгоҳлар, машина ҳамда жиҳозлар туфайли ишни тўхтатиб қўйиш бўйича қарор қабул қилади;

— нуқсонларни бартараф этилмасдан қўрилган ҳамда қайта тикланган ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий объектларни ишга туширишга йўл қўймаслиги учун тадбирларни ҳамда огоҳлантирувчи назоратни амалга оширади.

Шаҳарда касба уюшма ҳаракатининг ташкилий бирлигини мустаҳкамлаш, унинг молиявий ҳамда моддий-техник имкониятларини шаҳар касба уюшма марказида мужассамлаштириш, минтақадаги касба уюшма ташкилотлари қайси соҳага мансублигидан қатъий назар меҳнаткашлар шаҳар аҳолисининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида шаҳар касба уюшмалари кенгашида марказлаштиришни томонлар мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча касба уюшма кўмиталари учун шаҳар касба уюшмалари кенгаши раёсати ва унинг мажлиси қарорларини бажарилишини томонлар мажбурий деб ҳисоблайдилар. Улар шаҳар касба уюшмалари кенгашининг олдиди молиявий-ҳужалик ва бошқа фаолият бўйича ҳисоб берадилар.

IV. Олий Мажлис ва Республика Ҳукуматида кўриб чиқилиши учун қўйидаги масалалар бўйича биргаликда тақдирлар қилиниши:

— бюджет ташкилотлари — соғлиқни сақлаш, маданият, халқ таълими ва давлат муассасалари ходимлари касба уюшма кўмиталари томонидан болаларни соғайиши учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига олинadиган йўлланмалар, ҳужалик харажатларини қоплаш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилишини;

— болаларни автотранспортда болалар соғломлаштириш оромгоҳларига олиб бориш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг бир қисmini қоплаш учун бюджет ҳисобидан имтиёз берилишини;

— касба уюшмалари маданият ва спорт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий дастурини амалга ошириш мақсадида шу муассасаларни уларнинг хизматида қўйиладиган қўшимча устама солиқдан озод этилиши тўғрисида;

— касба уюшмаларининг клублари, кутубхоналари, кино жиҳозлари, спорт иншоотлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, санаторий-профилакторийлари, дам олиш масканлари эгаллаб турган турар-жой ва биноларни корхона раҳбарлари томонидан сотиш, бошқа мақсадлар учун топшириб юборишни таъқиқла- ниши тўғрисида;

— касба уюшмалари ва уларнинг маданият ва спорт муассасаларига маданий-маиший молларни нақд пулсиз нормаланган миқдор бўйича сотиш тўғрисида;

— касба уюшма бадаллари шунингдек, ҳужалик органларининг иш ҳақи жамғармасидан 0,15 фоиз миқдорда келатган ҳамда касба уюшма аппарати, уларнинг маданият ва спорт муассасалари ходимларининг маоши учун йўналтирилган касба уюшмаларининг ижтимоий сугурта маблағларини чеғирмалардан озод этилиши тўғрисида.

Битим томонларнинг ўзаро келишуви бўйича тулди-рилиши ёки узариши, шунингдек унинг қондилари бўзилган ёки бажарилмаган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

«Ишонч»нинг иқтисодий дарсхонаси

БОЗОР ИҚТИСОДИ ВА РАҚОБАТ

Абдуқодир ўғли АБДУСАДИР — иқтисод фанлари доктори, профессор.

Бозор иқтисодининг муҳим қоидаларидан бири рақобат. Одатда товар сотувчи-лар мижозлар учун, мижозлар товарлар учун рақобат қиладилар. Бозор иқтисоди шароитида асосий рақобат қилувчи курсаткичлар-товар сифати ва нархи. Кимнинг маҳсулоти юқори сифатли бўлиб, нархи нисбатан арзон бўлса-тез сотилади ва аксинча, сифати паст бўлиб нархи баланд бўлса, бундай товар секин сотилади. Энди, ўз-ўзидан савол келиб чиқади: «Оилавий корхона қандай товарларни ва қанақа курсаткич билан ишлаб чиқариш керак?»

Аввало бу саволга жавоб шундай бўладики, қандай товар ишлаб чиқаришни ҳал қилишдан олдин одамларнинг талабини урганиш керак. Талаб қуп бўлган товарни ишлаб чиқариш керак. Талаб бўлмаган товарни ишлаб чиқариш бефойда. Товар сотилмаганидан кейин унда мужассамланган пул, меҳнат, хом ашё, сқилги, энергия бехуда сарф қилинган бўлиб қолади ва узини оқламайди. Бу ҳол оқибатда инқирозга олиб келади.

Бу ерда асосий масала-истеъмолчи талабига максимал мос келадиган товарни ишлаб чиқариш. Хуш, бундай товар қандай хусусиятларга эга бўлиши керак. Олимлар, мутахассисларнинг олиб борган тадқиқотлари, таҳлиллари шуни кўрсатдики, ҳар қандай товар 5 хусусиятга эга бўлиши керак экан. Булар қуйидагилар:

- сифат даражаси;
- алоҳида хусусиятлари;
- товарнинг ташқи қиёфасини шакллантириш;
- товарнинг белгиланган номи;
- товарнинг махсус қўтичада жойлаштирилиши.

Энди қайд қилинган 5 хусусиятларнинг мазмунига тўхталиб утадиган бўлсак, ҳозирги кунда ҳар бир ҳаридор маҳсулотнинг сифатига катта эътибор беради. Айниқса, бадавлат ҳаридорлар маҳсулот сифати юқори бўлса нархига қайиш-майди. Ундан ташқари маҳсулот сифати қанча юқори бўлса унинг рақобат қобилияти шунча юқори бўлади. Юқори сифатли маҳсулотнинг нархини бошқариш доираси ҳам кенг бўлади. Ҳар бир товар алоҳида, уни бошқа шундай товарлардан ажратиб турадиган хусусиятга эга бўлиши керак. Бу хусусиятлар қаторига унинг мазаси, ранги, тикилиши, ташқи қўриниши ва бошқа курсаткич-лари қиради.

Деярли барча хорижий маҳсулотларни олиб таҳлил қилинса, ана шу қайд қилинган 5 хусусиятни топиш мумкин. Масалан, хорижда ишлаган яхна

ОИЛА БЮДЖЕТИ: ДАРОМАД ВА БУРОМАД

(Тўққизинчи дарс)

ичимликми, пивоми, шоколадми, спорт кийимими, оёқ кийимими — барча-барчаси ана шу қондага риоя қилиб ишланган.

Товарнинг ташқи қиёфаси унинг образи, ўзи тўғрисида таассурот яратади. Шунинг учун унинг ташқи қиёфасини яратишда қўлчиликнинг фикри, у ёки бу шаклга, қиёфага ижобий муносабати ҳисобга олинади. Товарга ном қўйиш икки мақсадни қўзғаб амалга оширилади: биринчиси — бошқа товарлардан фарқ қилиш учун; иккинчиси — шу товар сифат курсаткичларига бериладиган кафолат.

Масалан, яхна ичимликларнинг тури қуп, уларнинг номи ҳам ҳар хил. Лекин кока-кола, пепси-кола ҳаммасидан узининг ранги, сифати, сақланиш муддати, номи, товар белгиси билан ажралиб туради. Қалбаки товар чиқарадиган фирмалар ҳам жуда қуп. Ўз товарларига белги ёки ном қўйиш уларига ишонган, сифатли маҳсулот чиқарадиган фирмаларга ҳосидир. Булар қаторига «Проктер энд гэмбл», «Эйлон», «Адилас», «Мерседес-Бенц», «Форд» ва бошқалар қиради. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни махсус қўтичаларга солиб, сандога чиқариш бир қанча қўлайлик туғдиради. Аввало, қўтича товарни ташқи муҳит билан алоқада бўлиб ифлосланишдан, сочилиб кетиш, йўқолишдан асрайди. Кейин қўтича товарни транспортроўка қилишда қўлайлик яратади. Ундан кейин қўтича сиртига товар тўғрисида бир қанча маълумотлар ёзилади. Чунончи унинг номи, вазни, баҳоси, сақланиш муддати, сифати ва ҳоказолар.

Одамларнинг талаби, техника, технология тез-тез ўзгариб турганлиги туфайли ишлаб чиқариладиган товарлар ҳам тез-тез янгиланиб туриши керак. Истеъмолчи ҳар доим янги, янада такомиллашган, янада сифатли маҳсулотни қариб қилишни хоҳлайди. Рақобатдошлар ана шу талабни қондириш учун бор имкониятларини йиғта солади. Шунинг учун ҳар бир оила ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни янгиллаб турадиган дастурга эга бўлиши керак.

Ҳар бир оила янги товарни икки йўл билан олиши мумкин: катта фирмалар билан ҳамкорликда ишлаб ёки узининг ҳаракати билан. Янги ишлаб чиқарила- бошланган товарларни қўлаб сотиб, яхши даромад олиш учун қуйидаги ишларни бажариш керак. 1) потенциал истеъмолчиларни янги товар тўғрисида хабардор қилиш; 2) уларни бу товарни қўриб боқиш, синаб қўришга даъват қилиш; қўндириш; 3) мавжуд товарни чакана савдо тармоқлари орқали тарқатиш имконини яратиш; 4) товарни тақсим қилишнинг янги каналларидан фойдала- ниш; 5) бозорнинг янги сегментларига кириб бориш.

Яна бир нарсасга эътибор бериш керакки, ҳар қандай товарнинг яшаш даври мавжуд. Бу давр айрим товарлар учун бир неча ой бўлса, айримлари учун бир неча йил бўлиши мумкин. Товар ўз яшаш даврида беш босқични босиб ўтади. Ҳар бир босқич конкрет товар учун маълум вақт билан белгиланади.

Биринчи босқич — товар ишланадиган, яъни лойиҳаланиб, ишлаб чиқарила бошланадиган босқич.

Иккинчи босқич — товар ишлаб чиқарилиб, бозорга киритиладиган давр. Учинчи давр — устиш даври. Бу даврда товарга булган талаб ушиб борганлиги туфайли, уни ишлаб чиқариш ушиб боради.

Тўртинчи давр — етуклик давр. Бу даврда товарга булган талаб ва уни ишлаб чиқариш, сотиш, даромад максимумга етади. Талабни қондириш ҳам максимум бўлади.

Бешинчи давр — пасайиш даври. Бу даврда талаб пасайиб, ишлаб чиқариш, товарни сотиш фойда ҳам бароварига пасайди.

Товарнинг ҳаёт даврини кузатиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Чунки етуклик давридан кейин талаб пасайиш даври бошланиши билан талабни юқори даражада ўшлаб туриш имконини берадиган бир қатор чора-тадбирлар қўрилади. Булар қаторига товарни қадоклаш вазнини ўзгартриш, рангини, упаконкадаги ёзувлар шрифтини, рангини ўзгартриш, нархини пасайтириш қиради. Бу тадбирлар натижа бермаса янги товар ишлаб чиқаришга утиш керак. Жаҳонда талабни урганиб қандай маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашиш масаласини японлар жуда яхши ҳал қилишган. Масалан, ҳозирги кунда дунёда сотиладиган барча 35 миллион фотокамераларнинг 84 фоизи Японияники, соатлар — 82 фоиз, мотоцикллар — 55 фоиз, телефон аппаратлари — 66 фоиз, кассетали видеомаг- нитафонлар — 84 фоиз, рангли телевизорлар — 53 фоиз, юқори чистотали ошхона пешлари — 71 фоиз, калькуляторлар — 77 фоиз японларга тааллуқли.

Японларга хос хусусиятлардан бири шуки, агар у ёки бу товар бирор бозорга муваффақиятли кириб борса ва яхши сотила-бошласа, улар бу товарларни талабни тула қондирадиган миқдорда ишлаб чиқара бошлайдилар ва бозорни тула эгаллаб оладилар.

Япон фирмаларига хос яна бир қатор хусусиятлар шундан иборатки, булар ишга ижодий ёндашиш, доғорақлик, мақсад сари интилиш ва энг яхши натижаларга эришиш учун сабр-бардошлик кўрсатиш.

Оилавий фирма ишини ташкил қилишда утча омилга эътибор бериш керак:

- 1) мижозлар талабини тула қондириш;
- 2) юқори сифат курсаткичнинг таъминлаш;
- 3) ишлаб чиқариш фойдалилигини таъминлаш. Айнан сифат орқали истеъмол- чиларнинг ишончини қозониш мумкин ва муқобил муваффақиятга эришиш мумкин.

ДУСТЛИГИМИЗ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Қозоғистонда бўлиб ўтган Ўзбекистон кунлари тили-тилига уйқаш, дили-дилига пайванд бўлган икки халқ ва давлат ўртасидаги муносабатларни янада яқинлаштириб, алоқаларни мустаҳкамлашга замин яратди.

Сўзсиз айтиш мумкинки, Қозоғистонда бўлган Ўзбекистон вакиллари Туркистон ягона уй эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Буни Қозоғистонга борган давлат арбоби-ю, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, адабиёт, санъат намойидалари, олимлар ва ҳар бир кишига кўрсатилган иззат-эҳром, ҳурматдан билса бўлади. Бир сўз билан айтганда дўстлик байрами икки халқ бирлигининг рамзи бўлди.

Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Қозоқ маданий марказининг раиси Турсунмат Холбоевга мурожаат қилиб, Қозоғистонда бўлиб ўтган Ўзбекистон кунларидан олган таассуротлари ҳақида сўзлаб беришни ўтмос қилди. Қуйида Тошкент вилоят ҳокимлигининг меҳнат, иш билан бўлиниш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармасининг бошлиғи Т. Холбоев фикрларини ўқийсиз.

Республикамиз Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Олий Мажлисининг иккинчи мажлисидаги маърузасида «Тасаввур қилингки, ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рузгор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рузгор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади... Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган тарихий бирлик туйғусини, муқаддас Туркистон туйғусини қайтадан тиклаши, халқларимиз қалбига пайванд этиш мақсада мувофиқ булур эди», деб, эзгу ният билан қадим-қадимдан яхлит бир халқ бўлган Туронзамин фарзандларини бирлаштишга даъват эттанди.

Холисона айтилган эзгу ниятни ҳар ким ўз мақсади йўлида турлича тушунаркан. Бугунги кунда Марказий Осиёда яшаётган пок ниятли ҳар бир инсон қўллаб-қувватлайдиган бу фикрни орага нифоқ солишга одатланган кишилар бузиб талқин қилишга ҳаракат қиладилар. Фикримнинг исботи учун Россия матбуотининг бирида Марказий Осиё халқлари Россияга қарши бирлашмоқдалар деб аюҳаннос солганлигини қандай баҳолаш мумкин. Муаллифларнинг мақсади бизга аён. Улар нима деб вайсашса-вайсашаверсин. Қардош халқлар эса, аллақачон ўз йўлларини белгилаб, узаро иқтисодий ва маънавий алоқаларни тобора мустаҳкамлаш пайида бўлмоқдалар.

Қозоғистон Республикасида Ўзбекистон кунларининг катта тантана билан ўтганлиги фикримнинг исботидир. Ўзбекистоннинг 500 нафар вакили бир ҳафта давомида бепосн Қозоғистон бўйлаб олти йўналишда юриб, барча ҳудудда бўлишга улгуришди.

Тошкент вилоятининг вакиллари Сариогоч туманидаги «Буюк Ипак» йўлида вилоят ҳокими Зовутбек Турисбеков бошчилигидаги мезбонлар нон, туз билан кутиб олишди.

Меҳмонлар Чимкент, Кентов, Туркистон шаҳарларидаги корхоналарда бўлишди. Айниқса, Чимкентдаги «Олма» ҳиссдорлик жамиятида, Қозигурт туманидаги Навоий жамоа ҳужалигида, Сариогочдаги «Қоплонбек» бирлашмаси ишчи-хизматчилари билан бўлган учрашувлар меҳмонлар едида куп вақт сақланиб қолади.

Вакиллар Туркистондаги Хужа Аҳмад Яссавий мавзолейини, Сайрамдаги Иброҳим ота, Қорасоч она макбараларини, Турбатдаги Исмоил ота қабрини зиёрат қилиб бир олам таассурот олдилар.

Бошқа вилоятлардаги учрашув қатнашчилари ҳам қардош халқнинг турмуш тарзи, урф-одати, утмиши билан яқиндан танишишди. Қозоғистоннинг маданияти ва саноат ҳодимлари билан республиканинг порлоқ келажига замин яратилаётган саноат корхоналари, жамоа ҳужаликлари ва деҳқон-фермер ҳужаликларида учрашув ва бир пиёла чой устида жонли суҳбатлар бўлиб ўтди. Бир ҳафта давомида улкан мамлакатнинг узбек бовурлари бўлган шаҳар, қишлоқ ва овулларида асли бир бўлган, икки халқнинг борди-келдсини қайта тиклаш, ер ости бойликларини қазиб олишда ҳамкорлик қилиш, маҳсулот айирбошлашни кўпайтириш ҳақида фикр алмашилди.

Бу учрашувнинг ташаббускори ҳеч қандай партия эмас, ўзида куп анъаналарни муҳасаммлаштирган бунёдкор халқ бўлди. Ўзбек лапарига, қозоқ думбираси жур бўлди. Илгарилари ҳам маданият ва санъат кунлари ўтказиларди. Лекин, бу учрашувларда ҳар бир тадбир Москвадан белгилаб қўйиларди.

Давлатларимиз мустақил бўлгач, бунга барҳам берилди. Ўзбекистон кунларида фақатгина маданият ва санъат ҳодимларигина эмас, барча жабҳаларнинг вакиллари иштирок этиши ҳам азалдан дўст, иноқ бўлиб яшаган иккала халқ анъанасига мосдир.

Тошкент вилоятининг намойидалари Жанубий Қозоғистон вилоятида бўлиб, келгусидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида шартномалар имзолашди.

Бепосн Қозоғистоннинг бошқа вилоятларида бўлган вакилларимизнинг ҳам мақсадлари тулиқ амалга ошди, десам ҳато қилмайман.

Қозоғистонда ўтказилган республикамиз кунлари иккала халқ ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаб, мустақил давлатлар тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

Суҳбатдош: Саидзим ШАРОФХОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Хотин-қизларни чиroyли номлар ва унвонлар билан хурсанд қилиб келган бўлсак ҳам уларга нисбатан эҳтиромларимиз ҳар сафар бир янгича тус олаверади.

Зеро, пайгамбаримиз Мухаммад Саллоллоҳу алайҳи вассаллам: «Видоҳ ҳажларида қилган хутбаларида», «Хотин-қиз умматларини сизларга омонат топширдим, уларни яхши муҳофазат қилиш билан оналик шарофатларини сақламоғига ердамда бўлинг»лар деган ҳикматларида ана шу ҳислат муштаракдир.

Расулulloҳ замонларидан то XVI-XVII асрлар охиригача хотин-қизларнинг ифбат-номусини қадрлаш, эъозлаш, иззат-ҳурмат қиладиган қонун елгиз Ислам қонунини эди.

Қуръони-Каримда сураи «Нисо»нинг 19 - оятда:

«Бой хотин қари бўлса мерос оламан» — деб уйланишларингиз ҳалол бўлмаганидек, никоҳларингиздаги хотинни «эриктираман» — деб ҳафа қилиб, уриб, айтганини қилмай уй бузишга мажбур қилишингиз ва меҳрини қайтаришга ният қилишингиз ҳам ҳаром бўлиб, хотин-қизлар, булажак оналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш булар учун илоҳий таълимдир.

Ислоддан илгари оналар қиз бола қурган бўлсалар, эрлари жазирама араб мамлакатларининг урф-одатларига биноан тириклай тупроққа кумиб юборар эдилар. Бундай жоҳил урф-одатни бирор дин еки диний пешволар Исламга қадар қайтармаганлар. Шу уринда Ҳазрати Умар Розияллоҳу анҳу бир сузларида: —

«Лаънат жоҳилият замонида», «Оллоҳнинг раҳматлари бўлсун Ислам динидагиларга ва Ислам динига. Танамда Оллоҳ берган жоним бор исломнинг ривожига хизмат қиламан», — деган эканлар.

Менга бир саҳобанинг йиғлаб гапирган сузини айтмоқчиман дедилар. Мен бир кун 5 ишар қизимни тириклай кумиш учун қабристонга олиб бордим. Ерни қазитган чоғимда соқолимга сачраб тушган тупроқни қизалоғим кулиб-кулиб олиб, тозалаб қурди. Тозаланган юзимдан улиб ҳам олар эди. Мен ночор ерга кума бошладим. У йиғлади, нола қилиб мендан, онасидан нажотлар суради. Мен бўлсам йиғлаб-йиғлаб кумдим. Тулар куз унгимда гавдаланса йиғлайман. Чунки одатимиз шуни тақозо қилар эди. Кунлар эса фироқдан нола чекаман.

Ким-ки жоҳилият замонини яхши деб гапирса қилич билан унинг бошини узим узиб оламан, — деб ўз замонасининг урф-одатига лаънатлар бўлсин, дер эдилар. Ҳақ субҳонҳо ва таоло Қуръони Каримнинг «Наҳл» — сурасининг 5-9 оятларида: «Гулақ еш қиз фарзанднинг қайси гуноҳига тириклай кумасизлар, уларнинг қайси гуноҳига улдирганларингдан қиёматда суроқ қилина-сиз»лар...

Шундай қилиб, Ислам қонунига биноан бундай одат нафақат ман этилди, балки гуноҳи азим эканлиги қайд этилди. Расулulloҳ саҳобаларга башорат билан айтдилар:

«Ҳар ким уч қизни ноияга етказиб турмушга чиқарган бўлса, шубҳасиз жаннатга кирди». Икки нафар бўлсачи? деб сураганларига у ҳам, деганларида яна бир киши «Бир нафар бўлсачи?» деб сурашганда, яна бирлари: «Қизи эмас — синглиси еки боқиб олган қиз боласичи?» деганларида: Ҳаммалари ҳам, дедилар.

Ислам дини хотин-қизлар ҳаёти ва буларнинг жамиятдаги уринларини тиклаш турисидидаги Аллоҳнинг гамхўрликларига монанд уларни эъозлашга даъват эди.

XX асрда ҳам Ислам шариятига биноан рисоладагидек оналарга муносабатда бўла олдикми? Назаримда тенг ҳуқуқлилик шиори остида уларнинг шароитини яхшилашга аҳамият бермай, завод-фабрикаларда ишга солавердик, коржона кийдириб трактор рулига утказдик, бир елкаларига кетмон, иккинчи елкаларига оила, бола-чақа ташвишларини илдик.

Алҳамдулиллоҳ Ўзбекистоннинг мустақиллиги туфайли маънавий қадриятларимиз тикланмоқда, оналаримизни эъозлашга интилиш кучайди, қадрлашга, қафимизга қутаришга шароитлар яратилиши борасида қайғурадиган, уларнинг аҳоли борасида эркин гапирадиган бўлдик.

Оналарнинг улуғлиги ҳақида, жумладан, Расулulloҳ куп ҳадисларда башорат қилганлар.

Талҳо Ибни Муовия Розияллоҳу анҳу айтдилар: Мен расулulloҳ ҳузурига кириб, «Жиҳод қилишни хоҳлайман», — деб сурадим.

Ҳазрати Расулulloҳ «Онанг тирикми?... сурадилар. «Ҳа,

тирик» деганимдан сунг «Онанг буйин сунуб хизматида бўл, унинг оғи остида узоқлашмасдан розилигини қозонсанг, жаннатни қозонган бўласан. Жаннат оналарингизни оғи остида топилади», — дедилар. Зеро оналардан буюк зот бўлмаганидек, бўлгуси онахонлар — уларни ҳам эъозлашимиз, уларга нисбатан диққат эътиборда бўлмоғимиз ҳам бир фазиладир.

Абу Хурайра Розияллоҳу анҳу айтдилар: Бир киши Пайгамбаримиз Саллоллоҳу алайҳи вассаллам ҳузурларига келиб: «Амаллардан кимни суҳбатида ҳақлиқ ва яхшилик топамиз» — деб сурадилар.

Расул ақрам саллоллоҳу алайҳи вассаллам айтдилар. «Онанг-ни суҳбатида топасан», — дедилар. «Яна ким?» — деб эди. «Онанг» дедилар. Яна бошқа ким? — дедилар. «Онанг» дедилар. Яна ким? деганда «Отанг» дедилар.

Онанинг вазифаси ва урни оилада беқис. Отага нисбатан ҳам бир қадар муҳимроқ бўлиб, оилада она биринчи муаллима ҳамдир. Зеро донишмандлар, «онасини қуриб-қизини олинглар» дея бежиз айтишмаган. Шу уринда купчилиққа маълум, аммо ҳар гал янгича бир талқинда ифода топадиган ривоятни эслаб утишни жоиз деб билдим:

Қадим замонда бир оилада елгизгина тилаб олган қизлари бўлиб, одобда баркамол, ҳу-сна беқис экан. У қизга онасининг ҳар юмушда пандлари, рузгор ишларини туттишда ўғитлари ер бўлибди. Онасини яхши таниган, унга ҳавас қилган уч оила харидор бўлишибди. Улар ҳаммасига ҳам бу оиладагилар розилик билдиришибди. Аммо қизи елгиз эканлигидан не қиларини билмай Аллоҳга нола қилибди. Осмондан фаришталар тушиб, бу оққунгил

онанинг ноласига нажот берибдилар, яъни уиндаги молини, эчкисини ҳам худди ўз қизидай қиефага айлантириб кетишибди. Шундай қилиб, туй-тамошалар бўлиб утибди. Уч тарафдан келган қудалар уч тарафга уч қизни келин қилиб тушириб олиб келишибди.

Орадан кунлар утибди. Она қизини соғинибди. Аммо шаклашмайили бир хил уч қиздан қайси бири асл ўз қизи эканлигини ажратиш муаммоси кундаланг бўлибди. Шу чоғ оила бошлиғи ота: «Онаси ҳар қизиникига меҳмонга бориб курайлик, берган таълимнинг курсатади, қуйди», — дебдилар. Ота-она биринчи қизиникига боришса, на бир меҳмон кутишни, на муомалани билмас экан. «Бу мол қизимиздир, дебди ота. Иккинчиси эса, аллақачон ҳамма билан уришиб, сузишиб бўлган экан. «Бу эчки қизимиз» дебди Ота. Учинчиси эса, қайнота, қайнонани, қайн буйинларини ҳурматда курганидан, ҳар юмушда саришталитидан иззат топган экан. Асл қизимиз шу экан, — дейишибди ота ва она.

Қиссadan ҳисса шуки, қиз бола онадан яхши тарбия олса, тушган элида иззат топади. Она — онанинг фазли, таровати. Ҳа, оила ҳаловати меҳру-саховатдан, севгию-салоқатдан сабру-бардошдандир. Бу уринда «Мухаммад Расулulloҳ Иброҳим Ҳалилulloҳнинг Завжа и-Мутаҳҳаралари Бибиҳожар онамининг сабру-бардошини курганда ҳар қандай ақли расо эрқаку — аёлларнинг кузлари ешга тулмасдан иложи йўқ. Саҳрон Кабирда уларни Ҳалилulloҳ қолдирганлариди.

«Е Ҳалилulloҳ! Бизларни-фарзанд аржуманд Исмоилни Саҳрон Кабирга қолдираясиз. Бу Аллоҳнинг ҳукми? — деганларида. Иброҳим Ҳалилulloҳ: — Ҳа! — дедилар.

Бибиҳожар Онамининг сабру бардошлари, Аллоҳ Таолога қилган ниятлари маъқул бўлиб, зурриятларидан Хотами набию Мухаммад Саллоллоҳу алайҳи вассаллам Пайгамбар бўлиб, ҳозирги кунда бир миллиардан ортиқ мумин-муминалар «Ло илоҳа иллоллоҳу Мухаммадур Расулulloҳ», деб улуг Парвардигорга ҳар дақиқа нидо қиладди. Зеро, аёл билан олам мунаввар.

Одабийлик сабоқлари

Абу Хурайра Розияллоҳу анҳу айтдилар: Бир киши Пайгамбаримиз Саллоллоҳу алайҳи вассаллам ҳузурларига келиб: «Амаллардан кимни суҳбатида ҳақлиқ ва яхшилик топамиз» — деб сурадилар.

Расул ақрам саллоллоҳу алайҳи вассаллам айтдилар. «Онанг-ни суҳбатида топасан», — дедилар. «Яна ким?» — деб эди. «Онанг» дедилар. Яна бошқа ким? — дедилар. «Онанг» дедилар. Яна ким? деганда «Отанг» дедилар.

Онанинг вазифаси ва урни оилада беқис. Отага нисбатан ҳам бир қадар муҳимроқ бўлиб, оилада она биринчи муаллима ҳамдир. Зеро донишмандлар, «онасини қуриб-қизини олинглар» дея бежиз айтишмаган. Шу уринда купчилиққа маълум, аммо ҳар гал янгича бир талқинда ифода топадиган ривоятни эслаб утишни жоиз деб билдим:

Қадим замонда бир оилада елгизгина тилаб олган қизлари бўлиб, одобда баркамол, ҳу-сна беқис экан. У қизга онасининг ҳар юмушда пандлари, рузгор ишларини туттишда ўғитлари ер бўлибди. Онасини яхши таниган, унга ҳавас қилган уч оила харидор бўлишибди. Улар ҳаммасига ҳам бу оиладагилар розилик билдиришибди. Аммо қизи елгиз эканлигидан не қиларини билмай Аллоҳга нола қилибди. Осмондан фаришталар тушиб, бу оққунгил

булиб, одобда баркамол, ҳу-сна беқис экан. У қизга онасининг ҳар юмушда пандлари, рузгор ишларини туттишда ўғитлари ер бўлибди. Онасини яхши таниган, унга ҳавас қилган уч оила харидор бўлишибди. Улар ҳаммасига ҳам бу оиладагилар розилик билдиришибди. Аммо қизи елгиз эканлигидан не қиларини билмай Аллоҳга нола қилибди. Осмондан фаришталар тушиб, бу оққунгил

онанинг ноласига нажот берибдилар, яъни уиндаги молини, эчкисини ҳам худди ўз қизидай қиефага айлантириб кетишибди. Шундай қилиб, туй-тамошалар бўлиб утибди. Уч тарафдан келган қудалар уч тарафга уч қизни келин қилиб тушириб олиб келишибди.

Орадан кунлар утибди. Она қизини соғинибди. Аммо шаклашмайили бир хил уч қиздан қайси бири асл ўз қизи эканлигини ажратиш муаммоси кундаланг бўлибди. Шу чоғ оила бошлиғи ота: «Онаси ҳар қизиникига меҳмонга бориб курайлик, берган таълимнинг курсатади, қуйди», — дебдилар. Ота-она биринчи қизиникига боришса, на бир меҳмон кутишни, на муомалани билмас экан. «Бу мол қизимиздир, дебди ота. Иккинчиси эса, аллақачон ҳамма билан уришиб, сузишиб бўлган экан. «Бу эчки қизимиз» дебди Ота. Учинчиси эса, қайнота, қайнонани, қайн буйинларини ҳурматда курганидан, ҳар юмушда саришталитидан иззат топган экан. Асл қизимиз шу экан, — дейишибди ота ва она.

Қиссadan ҳисса шуки, қиз бола онадан яхши тарбия олса, тушган элида иззат топади. Она — онанинг фазли, таровати. Ҳа, оила ҳаловати меҳру-саховатдан, севгию-салоқатдан сабру-бардошдандир. Бу уринда «Мухаммад Расулulloҳ Иброҳим Ҳалилulloҳнинг Завжа и-Мутаҳҳаралари Бибиҳожар онамининг сабру-бардошини курганда ҳар қандай ақли расо эрқаку — аёлларнинг кузлари ешга тулмасдан иложи йўқ. Саҳрон Кабирда уларни Ҳалилulloҳ қолдирганлариди.

«Е Ҳалилulloҳ! Бизларни-фарзанд аржуманд Исмоилни Саҳрон Кабирга қолдираясиз. Бу Аллоҳнинг ҳукми? — деганларида. Иброҳим Ҳалилulloҳ: — Ҳа! — дедилар.

Бибиҳожар Онамининг сабру бардошлари, Аллоҳ Таолога қилган ниятлари маъқул бўлиб, зурриятларидан Хотами набию Мухаммад Саллоллоҳу алайҳи вассаллам Пайгамбар бўлиб, ҳозирги кунда бир миллиардан ортиқ мумин-муминалар «Ло илоҳа иллоллоҳу Мухаммадур Расулulloҳ», деб улуг Парвардигорга ҳар дақиқа нидо қиладди. Зеро, аёл билан олам мунаввар.

Авазхон Хожи ҲАЙДАР ўғли, Вазирлар Маҳкамаси Ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси мутахассиси.

Аёл билан
мунававар
олам

ПОКИСТОН бўйлаб мусулмонлар кучаларга чиқиб, куфр айтишга қарши кучли қонуларнинг узгартирилишига норозиликларини намоиш этдилар. Шоҳидларнинг айтишларича, Равалпиндиди бу намоишчилар куча ҳаракатини тўхтатиб қўйишган, автомашиналарнинг ойналарини синдиришган, юзларча намоишчиларни тарқатиш учун полиция куз ешини оқизадиган газ қўллаган. Покистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам шунга ўхшаш намоишлар бўлиб ўтган.

ИРОҚНИНГ қуролсизланишини назорат этувчи БМТнинг расмий кишиси биологик қуроллар ясашга керакли қарийб 17 т. йўқолган материал борасида Ироқ ҳукуматиға маълумот берган. БМТ расмий кишиси Франция ахборот агентлиги билан суҳбатда Ироқ ҳукумати кимевий қуроллар дастурининг тафсилотини маълум этажа-

гидан амин эканлигини айтган бўлса-да, бироқ ҳукумат бедарак йўқолган биологик материал борасида маълумот бериши керак, деган. Шведиялик дипломат утган ой Ироқда бўлганидан кейин берган баёотиди Ироқ ҳукумати микробни устира-

**САЙЁРАМИЗ
ОВОЗИ**

диган манбалардан аллақачон бир неча тонна биологик қуроллар ишлаб чиққанини айтган. Лекин жаҳон ташкилотининг тафтишчилари ҳали ҳам уни тан олмаганликларини гапирган.

ХАЛҚАРО савдо ташкилоти директори Ренато Рожари АҚШ билан Япония уртасидаги автомашини жанжалини мажкур ташкилот ҳал қила олиши мумкинлигини айтди. Шунингдек, у Халқаро савдо ташкилотининг қарорига иккала мамла-

кат ҳам бу борада эътибор беражакларини билдирганлиги таъсирчан иш олиб бориш аломатидир, деган. Жаноб Рожари қишлоқ ҳужалиги маҳсулотлари етиштирадиган дуненинг 14 мамлакати томонидан Манилада утказилаётган йи-

ғилишда қатнашмоқда. У мухбирлар билан суҳбатда бу йигилиш автомашини жанжалига сабаб бўлаётган масала ҳал этилишини қўлайлаштирилишига қаратишганини айтган.

ВАРШАВАДА ҳукумат биносининг қаршисида норозилик намоишини уюштирган бирдамлик касаба иттифоқининг миллатчи фюллерини тарқатиш учун полиция таеқлар ҳамда су-

тупларидан фойдаланди. Польша расмий кишилари туқнашулда намоишчиларни полиция ҳодимларидан 20 дан ортиқ киши ярыланганини ва 1989 йилда коммунизм инқирозга учрагандан кейин биринчи марта бундай қаттиқ туқнашув юз берганлигини билдиришган. Бирдамликнинг 10 минг аъзоси асосан Силезия минтақасидан бўлиб, кун сайин ошиб бораётган ишсизлик, атроф-муҳитни ифлосланишига қарши чора куришни талаб қилиб, намоиш ўтказишган.

ТУРКИЯ Президенти Сулаймон Демирал Туркия парламентлари сандогаридан ташкил топган делегация билан бирга Индонезия пойтахти Жакартага борди. Бу делегация икки мамлакат уртасидаги савдо ва иқтисодий алоқаларни кенгайтириш йўл-йўриқлари борасида узаро мулоқотда бўлди. Туркия Президенти Сулаймон Демирал Суҳарто билан учрашди.



Вьетнамлик ёшлар

Спорт

• Халқаро теннис

ҒОЛИБЛАРГА
АТАЛГАН ДОЛЛАР

• Бир неча кундирки, юрти-мизда "Буюк ипак йўли" кар-вони кезиб юрибди.

Маълумки, теннисчилар дастлабки мусобақани Тошкент-да ўтказиб Самарқандга йўл олишган эди. "Буюк ипак йўли" карвони шундан кейин Фарғонага келди. Бу шаҳарлар-да ўтказилган мусобақаларда та-ниқли теннисчимиз Олег Огоро-дов маҳорат кўрсатиб, муваф-фақият қозонди. Унинг мақсади дунё миқёсидаги мақомини ка-мида 130 га етказиб, бўлажак олимпиада ўйинларига йўлланма олиш. Шу кунларда эса Тош-кентдаги "Юнусобод" теннис са-ройида халқаро мусобақанинг якуновчи "мастерс" босқичи якунланай, деб қолди. Халқаро мусобақа иштирокчилари голибликка даъвогарлик қилиб, олқиш олиш билан бирга моддий манфаатдорликни ҳам кўзламоқдалар. Боиси, теннис-чиларга аталган жамғарма 25 минг доллар ҳисобида бўлиб, шундан голибларга 800 доллар-дан берилади. Финалчилар 600, жуфтлик баҳси голиблари 393, 75 доллардан оладилар. Ҳозирча Олег Огородов ҳисобида 2681 доллар жамғариди. Француз Жиром Луисталот билан тен-нисчимиз Дмитрий Томашевич бу борада иккинчи-ва учинчи ўринларда боришмоқда.

• Футбол

БИТТА ОЛДИН,
БИТТА КЕЙИН

